

ХАЙР.



АССАЛОМ,

تائڭ يولدۇزى

УЗБЕКИСТОН  
БОЛАЛАРИ ВА  
УСМИРЛАРИНИНГ  
РУЗНОМАСИ

ВАТАН, ДУСТЛИК, ЭЗГУЛИК ВА АДОЛАТ УЧУН!

№ 1

(6473).  
1992 йил,  
8 ЯНВАРЬ  
ЧОРШАНБА.  
Баҳоси  
5 тийин.

Тонг  
Юлдузи

РУЗНОМА 1929 ИЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН УЧҚУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

**С**ИЗУ БИЗ узоқ йиллар ўзимизни англомлай армона да яшадик. Улуг боболаримиз, қадими туронзаминимиз билан фахрланиш түйғулари бегонасираб қолганда күпимиздан, Барчамизни елкасида күтариб турган заминимизнин асл номи Турону Туркистон экани ҳам қарий эсимиздан чыкай деди. Чунки даҳшатли күчлар етовида здик, ўзлигимизни англатувчи белгиларни онгу шууриздан сууриб олиб ташлаш учун бетиним курашар эди у күчлар. Ахвол шу даражага бориб етган здик, Форобий Фарғоний, Иби Синою Улугбекдек буюк боболаримиз жаҳон фанию маданиятига, инсоният тараққиётига бемисл ҳисса қўшган алломалар номларини ҳам минг ҳадик ичра тилга олишига мажбур бўлдик.

## МУБОРАК КУНЛАРНИНГ АЗИЗ ФАРЗАНДИ



Абдусайд КУЧИМОВ,

Узбекистон халқ депутати, Узбекистон Езувлар Уюшмаси котиби.

Ақлу заковати билан аҳли дунёни ҳайратта соглан Амур Темур номини эслаш эса гуноҳи азим саналишинга оз қолди. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда бундай даҳолар ҳақида ўнлаб кинофильмлар яратилган, том-том китоблар битилган эди. Шунингдек уларнинг номига кўчалару маданият даргоҳлари қўйилган эди дунёнинг турли шаҳарлариди. Бизда, ўз она ватанида, таҳқиқлаб келинди бобохонларимиз. Шаҳарлар, қишлоқлар тугул, оддийгина тор кўчани уларнинг номи билан атасдан кўрқидик, аниқроғи йўл беришмади бундай қилишга. Ниҳоятда улуг, ниҳоятда азиз бир зот бор эди ҳаммамиз учун. Ҳар қадамда — ҳушимида ҳам, тушибизда ҳам сиғинардик унга. Унинг оддий инсон эканига ишонмай қолган эдик ҳатто! Негаки, у оддий одамликдан афсонавий авлиёга, ҳатто худога (ўзи кечирсан) айланни қолаётган эди. Володя Ульянов эди бу зот! Етмиш йилдан зиёд бетиним сиғинадик келдик ана шу зотга. «Яшасин, Ленин гоялари!», «Ленин таълимотига шоншарафлар!» каби шиорлару ҷақириллар қонимиз тугул, суюклиримизгача сингиб кетди. Бундай шиорларнинг асл маъносини билсан-да, билмас-да, томонимиз жиртилай деганча бақириб-чақиравердик, қуллуқ қилиб яшадик шундай гояларга.

ди: «Ленин йўли», «Ленин байроби», «Ёш ленинчи» ва ўзимизнинг «Ленин учқуни», собиқ, албатта, Бундан олтмиш уч йил аввал чиқсан эди унинг биринчи сони. Шундан буён у жумҳуриятда нашр этиладиган ягона болалар рўзномаси сифатида турли авлод ёшларига азиз ва қадрдан бўлиб қолди. Рўзнома турли йилларда қатор-қатор ибратли юмушларнинг ташаббускори, ташкилотчиси, ижрочиси бўлдиким, бундай бекиёс хизматлари учун минг карра раҳматлар айтмоқ керак унга! Ба, айни маҳалла унутмаслик ҳам керакки, рўзнома «Ленин учқуни» эмас, айтайлик «Турон чечаклари» ёки «Туркистон келажаги» номи билан чоп этилганда ҳам худди шундай ҳайрли ёшларга бош-қош бўлиши аён ҳақиқат эди. Лекин болалар рўзномасида доҳий номи бўлмоги шарт эди империя учун. Негаки, асаратда сақланажак ўлка фарзандлари қалбига мурғаклика дейқ муҳрламоқ зарур эди бу номни. Кунаро юз минглаб хона-донларга кириб борадиган, миллион-миллион ўқувчилари бўлган рўзнома эса энг қулагай восита эди бу ниятни амалга оширишда. Шундай бўлди ҳам! Ҳеч бир ҳалқ ёки миљатни абадий қуллик ва мутеллика сақлаб бўлмайди. Ҳам ма нарсанинг чеку чегараси бор оламда. Узбек ҳалқи учун ўз-ўзини англаш, тушу-

ниш даври келажаги аён эди. Шундай кунлар келди. Шукроналар айтайлик унга! Эркимизни қўлга киритдик, жумҳуриятимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Туркия, Покистон, Швейцария, Канада, Австралия сингари бир қатор мамлакатлар тан олиши мөқдада давлатимизди. Жаҳондаги бошқа давлатлар ҳам албатта тан оладилар бизни. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида ўз байроби миз ҳиллираб турадиган, унинг мажлислиарида ўз вакилларимиз иштирок этадиган кунлар ҳам узоқ эмаслигини англаш қандай бахт!

Шундай қувончили кунларда номини «Тонг юлдузи» деб атаган ва биринчи сони чиқкан рўзномамизни муборак кунларнинг азиз фарзанди, деб атагим келади. Мил-

латимиз руҳига, ҳалқимиз табнатига мос ном топилди, ниҳоят. «Тонг юлдузи»нгиз муборак бўлсин, азиз ука-сингиллар! Рўзномангиз олтмиш уч йил деганла ҳақиқий шарқона номга эга бўлди. Шундай бўлгани чин бўлсин!

Мен рўзномага муносиб ном топиш учун ижодий ходимларнинг Сиз муштариylар билан биргаликда қанчалар изланганларидан боҳабарман. Ҳарийб саккиз ой давом этди бу қидирав. Юздан зиёд номлар таклиф этилди катталару болалар томонидан. Аксарият муштариylар уни «Туркистон чечаклари» деб аташ орзусида эдилар. Лекин собиқ «Ленин учқуни»нинг собиқ акаси «Ёш ленинчи» ўз номини «Туркистон» деб аташга қарор қилингандан сўнг, аввало, акани ҳурматлаб, қолаверса, бир хил исм ҳақеб тақорламаслиги учун «Тонг юлдузи» танланди. Ишончим комилки, мазкур ном сизларга ҳам маъкул тушади.

**Х**УЛЛАСИ КАЛОМ, қадрли дўстлар, бугундан эътиборан сизлар ҳам ўз юлдузингизга эга бўлдингиз. Биласиз, Тонг юлдузи сирли осмон тоқидаги энг ёқин, энг чақноқ юлдузлардан. Қадимда сафарга отланган сайёҳлару карвонлар ҳам шу юлдузга қараб йўлга чиқсанлар, адашмай қўзланган манзилларига етганлар. Инсонларга ҳамроҳ йўлдош бўлган, адашганларга йўл кўрсатган у. Худди шундай фазилатларга бўлсан сизнинг юлдузингиз ҳам! Қувонгандага севинчингизга, қийналгандага ташвишингизга шерик бўлсин у! Ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолгуда бўлганларга тўғри йўл кўрсата билсин, иккиласиб қолганлардан кўмагини аямасин, лоқайдларни хушёрикка чорласин, гафлат уйқусида ётганларни туртиб туриб ўйготсан! Елғон суздан, қуруқ ваъзхонлиқдан, эзмаликдан, ноҳақ тұхматлардан, ёмон кўзлардан арасин юлдузингизни!

## «ТОНГ ЮЛДУЗИ» РЎЗНОМАСИ ЖАМОАСИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Болаликнинг ўзига хос қувончию шодликларни, ғам-ташвишларини ҳеч оғринмай елкасида кўтариб келган «Ленин учқуни»дан беҳад миннатдормиз. Укажон ва сингилжонларимиз унинг тимсолида доимо ўз ишончли дўсти, маслаҳатгўйи, ҳимоячисини кўрганларни билан фахрланамиз ҳам. Ёш авлодни инсонга, меҳнатга, ватангага, она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдек улуғвор ишда «Ленин учқуни» рўзномасининг муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги мураккаб давр, ижтимоий-сиёсий вазият рўзноманинг номини ўзгартиришни тақозо этмоқда. Шу боис кўплаб муштариylар ва «Ленин учқуни» ижодий жамоасининг хоҳиш-иродаси билан рўзнома номини «Тонг юлдузи» деб ўзгартиришга қарор қилдик.

Олдимизда мустақил Ўзбекистонимиз равнақини қарор топтиришдек улуғвор вазифа туриди. Бунинг учун юртимизга билимли, миллий қадриятларимизга садоқатли, ишбилармон камоли инсонлар керак. Айнан «Тонг юлдузи» болаликларида уларнинг йўлини ёритади, уларни ана шу хайрли ишларга чорлайди. Бу эса рўзнома ижодий жамоаси зиммасига жуда катта масъулият юклайди, улар ҳормай-толмай меҳнат қиладилар. Биз ана шу эзгу мақсад йўлида уларга мустаҳкам соглиқ, куч-қувват ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

**УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ.  
УЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ВА УСМИРЛАР УЮШМАСИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.**

### МАКТАБГА МИЛИЦИОНЕР КЕЛДИ



— Балогатга етмаган ёшлар орасида жинотга қўл уриш кун сайни камайб бормоқда, — дейди Тошкент туманиндағи балогатга етмаган ёшлар билан ишлап инспекцияси милиция капитани Шуҳрат Абзолос, — ҳар ойда иккى марта мактабдаги болалар билан учрашув ўтказилимиз. Жуда кўп болалар биз билан алоқада.

Суратда: тумандаги А. Икромов номли мактабда 9 синф ўқувчилари билан учрашув.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

- 4 январь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов алоҳида стол ёнида президентлик қасамёдени қабул қилди. Стол устига иккى Муқаддас китоб — Қуръон ва Ўзбекистон Конституцияси юйилган эди.

- 2 январдан Россияда нарх-навоға «эркинлик» беरилди. Воронежда бир литр сут 10 сўм, сметанинг нархи эса 74 сўм.

- Чечен Республикаси «Борз» (бўри) системасидаги ҳарбий автомат ишлаб чиқаришга киришиди. Автоматнинг 0001-сонли дастлабкиси Президент Жоҳар Дудаевга берилди.

- Волгоградда 20 дан ортиқ болаларнинг СПИД билан оғришлага сабаб бўлганлар устидан суд бошланди. Қон олувчи шифокорларининг совуқонлиги туфайли ўтган ийли 250 бола СПИД билан касалланди. Шулардан 23 таси ҳалок бўлди.

- Тоёлисида Президент Гамсахурда ва оппозициячилар ўтасида жанг давом этмоқда. 6 январгача мальумотга кўра, 84 киши ўланган, 384 киши жароҳат олан.

- Рўзнома босмага тайёрланасида олинган ҳабарга кўра, З. Гамсахурда қочишига уринганида Озарбайжоннинг Казах шаҳрида кўлга олинган. Махсус кўриқчилар хармоҳлигига у Тобилисида келтирилмоқда.



## ИҚТИДОРЛИ БЎЛСАНГИЗ...

Мустақил давлат келажагини йўлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Хусусан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жумҳурият «Улуғбек» номидаги жамғарманинг ташкил топшиши (1990 йил июль) ва қисқа вақт ичидаги мактаб ва олий ўқув юртлаидаги иқтидорли илм толибларни ўз стипендиялари билан тақдирлаши, йигирмага яқин талабада.

Мактаб ўқувчиларига ҳам эътиборимиз катта. Утган йил ҳисобидан 105-110 нафар иқтидорли ўқувчиларга жамғарма ҳисобидан



### ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Тонг. Атроф ҳали жуда ёришиб кетмасиданоқ 277-мактабга биринчи бўлиб 2-сinf ўқувчиси Акмал кириб келди. Унинг шошиб келишига қараганда ёки мактабни согинган, ёки ҳали кичкина бўлған учун, биринчи дарс соат нечада бошланшини яхши билмайди. Ҳарқалёт, у мактабга биринчи келди...

● 7-синфдаги Муҳиддин ўртоқлари билан, 5-синфдаги Феруза дугоналари билан бирга келишганда, 277-мактаб йўлаклари гала-ғовурга тўлиб кетди. «Кўп гапириб, кам эшитиш» мусобақаси бошланган эди...

● 252-мактаб. 9-«Б» синф ўқувчилари III чоракни жисмоний тарбия дарсидан бошладилар. Аммо спортзал таъмирланишида бўлгани учун дарс «ган сотиш» билан ўтди.

● 5-«Е» синфе ҳамма жой-жойида. Фақат Нодира билан Нематнинг парталари бўш эди. Улар таътилни ўз хисобларидан яна биринки кунга чўздирганга ўхшайдилар...

● 266-мактабнинг ўқувчиси Бахтиёр Фатхуллаев III чоракнинг биринчи дарсига кечикиб келганинги «будильнигимиз бузилиб қолган», деб шарҳлади. У мактабга соат ўнларга яқин келган эди.

● Пойтахтнинг Хадра майдонидаги телефон буджалардан бирида телефон трубкасини юлиб олган болалар, мухбиримизга ўзларини таништирмадилар. Аксинча «ўлика»ни ташлаб, кўздан гойиб бўлиши.

МОСКВА. Режиссёр Владимир Маркин болалар учун «Оғир болалик» деб номланган телекўратув устидаги иш олиб бормоқда. Режиссёр В. Маркин қўйидагиларни маълум қиласди: Бу кўрсатув 6 ёшдан 60 ёшгача бўлган томшабинларга мўлжаллануб, бош қаҳрамонлар Іхлюша, Степаша, Каркуша, Филия...

Суратда: Тания хола ва Володя тоға.

И. УТКИНА сурати.

ларни ўқиш учун Амриқо дорил-фунунига жўнатиши албатта қувончлидир.

— Ўзбекистон мустақил бўлди, — дейди жамғарма бошлиги Исфандиёр Латипов. — Шунинг учун жумҳуриятимиз келажаги олдида фов бўлиб турган санъат, маданият, фан-техника, иқтиносидан қурби етадиган мутахассислар тайёрлашимиз керак. Хорижий давлатларга йигит-қизларимиз шу боисдан юборилмоқда.

Хорижий давлат дорил-фунунига ўқиш учун кетаётгандарга ҳамма ҳавас билан қарамоқда, — дейди шу ташкилотнинг масъул ходимаси Қундуз Қодирова. — Улардан хатлар ҳам келмоқда. Кўпчилиги «Бу голиблар кимлар? Амриқога юбориш учун улар ўтасидаги танлов қай тарзда олиб борилган?» каби саволлар билан мурожаат қилишган. Шу каби саволларга аниқлик киритиш мақсадида яқинда Ўзбекистон жумҳуриятини ўзбекистон мустақил бўлди.

Хорижий давлат дорил-фунунига ўқиш учун кетаётгандарга ҳамма ҳавас билан қарамоқда, — дейди шу ташкилотнинг масъул ходимаси Қундуз Қодирова. — Улардан хатлар ҳам келмоқда. Кўпчилиги «Бу голиблар кимлар? Амриқога юбориш учун улар ўтасидаги танлов қай тарзда олиб борилган?» каби саволлар билан мурожаат қилишган. Шу каби саволларга аниқлик киритиш мақсадида яқинда Ўзбекистон жумҳуриятини ўзбекистон мустақил бўлди.

Мактаб ўқувчиларига ҳам эътиборимиз катта. Утган йил ҳисобидан 105-110 нафар иқтидорли ўқувчиларга жамғарма ҳисобидан

100 сўмдан мукофот пули ажратилиди.

Шунингдек, Тошкент вилояти, Пскент тумани ижроқўми ходимлари мактабларнинг аълочи, иқтидорли ўқувчилари учун меҳрашфат ва саломатлик жамғармаси томонидан ташкил этилган пулдан 23 нафар иқтидорли ўқувчига 120 сўм — уч ойлик стипендияларни тарқатишди.

Бу ташкилотдаги шўъба раисларининг асосий вазифаси, — дейди Ўзбекистон жумҳуриятини «Улуғбек» номидаги жамғарма Раёсатининг раиси, Ўзбекистон жумҳуриятини ХДП Марказий Ғенгашининг иккинчи котиби Азиз Носиров, — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва хорижий давлатларга юбориш учун танлов ўтказишди. Бунинг унун талаба инглиз тилини чуқур ўзлаштирган бўлиши, иқтиносидёт ҳамда бошқарув мутахассисларни бўйича тўлашоқ илмга эга бўлмоғи шарт. Мана, яқинда Туркиядан хат келди. Улар 20 нафар талабани қишлоқ хўжалиги бўйича бепул ўқитиши мажбуриятини олмоқдалар.

Бундан ташқари тошкентлик ёш физик олимимиз Рашид Аброров Амриқодаги Рокфеллер маркази дарил-фунунига 6 ойлик ўқиш учун ушбу ҳайъат аъзолари танловидан ўтди. Унга жамғарманиздан 2500 минг доллар ажратилди. Ташкилотнингинирамзий бельгиси сифатидаги нишонни бироз камчиликлари борлиги сабаб қабул қилиш кечиктирилди.

Шакар СУННАТОВ.

Чет эл кинофильмларини кўрсангиз, кўпинча бошига катта шляпа кийиб олган ишбайлармон кишиларни кўп учратасиз. Улар кичкинагина қаъваҳонанинг хўжайини ёки фермер бўлишида. Авваллари бу кўринишлар биз учун гайритабий тюолган бўлса, ҳозир бизнинг ҳаётга ҳам-қириб келмоқда. Тўғри, уларнинг бошида каттако шляпа бўлмаслиги мумкин, лекин улар ҳам фермердилар.

Саъдулланинг дадаси ҳам фермер хўжалигига аъзо бўлгандан бери, уйда мол-ҳол кўпайиб қолган. Дадасининг «қўявер», сенсиз ҳам эплаймиз» деганига қарамай, Саъдулла бузоқлари атрофида ҳозири нозир. Уларнинг олтовини ўз номлари билан қаҳириб эркалайди.

Ҳабибулло ака Кўчқоров Пахтаобод туманидаги «Маданият» давлат хўжалигига ишлайди. Шу йилнинг февраль ойида эса фермерлик хўжалигини ташкил қилди.

Ийл бошида давлатдан олган 20 бош озғин, камсугу сигирлари ҳозир кунига 10 литрдан сут бермоқда. Бузоқлари ҳам йириклишмоқда.

Катта фермернинг ҳисоб-китоби шундай: бу йил давлатга 45 тонна сут топширади, сигирлар зотини яхшилади. Бу ишларда ёш фермернинг ҳам ҳиссаси катта бўлади.

Комилжон НИШОННОВ,  
«Андижоннома» рўзномаси ходими.

Осимжон З-синфда ўқирди. Ўртоқлари билан яқин қўшиларидан бириникига тўйга чиқди. Тўйда меҳмон кўп, бунинг устига одамлар даврадаги санъаткорларни ниҳоятда ҳайрат билан тинглашарди. Бу унинг қизиқишини оцириди. Интилиб-интилиб олдинга ўтиб олди ва тўй тутагунча ҳойидан қимирламади... Уни ҳам бу дилрабо қўшиқлар, айниқса, доирачининг чилдирмани моҳирлик билан чалиб жаранглатиши ром қўлганди. Осимжон бир неча кун тўй таъсирида бўлиб, ўзини доирачи ўрнида қўяр, хаёлда атрофдагилар уни олқишилаётганини тасаввур қилиб, ширин бир ҳаяжондан энтириди.

Бу ҳавас билан Усобиржон ака Солиев раҳбар бўлган мактабдаги «Шалола» дастасига аъзо бўлиб, дарсдан бўш бўлди дегунча доирачилик сирларини ўргана бошлади. Кейинчалик эса шаҳар ўқувчилар уйидаги «Ёш доирачилар» тутагари фаолият кўрсатётганини эшитиб, у ерга борди. Тўғарак раҳбари Орифжон Абдуллаевдан доира чалиш сирларини билиб олди.

Ҳозир 11-синф ўқувчиси бўлган Осимжон Исмоилов мөхир доирачи ҳисобланади. Мактабдаги бирон бир тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди. Шу билан бирга у кичик синкларда ўқиётган бир неча доира ишшибозларига устозлик ҳам қиласди. Ҳали Осимжоннинг орзулари кўп, у доира чала бошласа, қир-адирлар унга садо беришини истайди.

Баҳодиржон ИБРОХИМ ўғли.  
Наманган шаҳридаги 16-мактаб.



## ЙИЛИНГИЗ МАЙМУН ЭКАН

Баъзи манбаларда айтилишича, мучал биринчи бўлиб Хитой ва Мисрда вужудга келган экан. Будда динидагилар орасида эса унинг келиб чиқиши тўғрисида шундай ривоят бор. Эмиши, Улуғ Будда янги йил арафасида «дунёнинг мири кам иккি» эканлигини сезиб қолибди: Йиллар ном-нишониз, зерикари ва ёқимиз холда бирин-кетин ўтаетган экан. Шунда у қайси ҳайвон маслаҳат бериш учун келса, инъом олишини эълон қилиди. Лекин Будданинг таклифига ҳамма ҳайвонлар ҳам хайриҳоҳли кўрсатишмабди. Унинг қошига бор-йўғи ўн иккитагина ҳайвон келибди.

Биринчи бўлиб жозибали, соғдил, бироқ сал-пал ҳовлиқма Сичқон намоён бўлибди. Ундан сўнг сабр-иотатли, меҳнатсевар, одамови Сигир; сезиги ва худбин Иўлбарс; толеи баланд Қуён; муруватли ва очиқкўнгил Аждаҳо (Балиқ); доно ва чироили Илон; хуштабнат, бироқ кўпинча омади юришмайдиган От; юриш-туришда ча панинамо, аммо тортичноқ Қўй; топқир ва киришмли Маймун; ўйчан ва кўнгли очиқ Товуқ; содиг ва ўжар Ит; жиззаки ва «дона» Тўнгиз саф тортишган экан.

«Маймун» сўзи арабчада «баҳти», «ижобий таъсир кўрсатувчи» деган маъноларни англатади. Бу мучалда туғилланинг кўнглигига келган ишни қиувлечи, ишончга сазовор бўлмаган ва терс одамлардир. Улар эпчи, ақлли, топқир бўлиб, энг қийин муаммоларни ҳам осонлик билан ҳал қиласидилар. Маймун мучалида туғилланинг ҳазил-мутойиба туйғуси кучли бўлади. Шу сабаби улар одамлар орасида тез қизишиб кетадилар. Бошқалар ҳақидаги салбий фикрларини сиртларига чиқармай, хушчақақлик қилиб яширадилар.

Улар ҳамма соҳада ишлаб кетишилари мумкин. Илмга, ўқиб-ўрганишга ташна бўлишида. Айниқса, хотиралари яхши ишлайди. Кўпинча ишларининг бетартиблиги учун ҳам уларга хотира зарур.

Маймун мучалида туғилланинг қўлидан ҳар қандай иш кела олиши туфайли, келажакда улардан мөҳир савдо ходими, сиёсатчи, дипломат қизишиб кетадилар.

Маймун иилида туғилланинг қўлидан ҳазил-муトイбага мойил бўладилар. Шунинг учун ўртоқларининг доираси кенг бўлади. Уларни кўпроқ мактаб коридорларида, синкларда, одам тўйлаб, бирор бир қизиқ воқеани гапириб берагайтларидаги учратиш мумкин. Лекин эҳтиёт бўлинг! Бу қизиқарли «воқеа»лар орасида ёлғон-яшиги ҳам ўтиб кетиши мумкин. «Маймун» ёлғонни фақат ўзининг манфаати ўйлида ишлатади.

Уларда иш ўрганишга бўлган ҳавас кучли. Мактабда энг фаол жамоатчи, аълочи ўқувчи, одобли бола бўлишилари мумкин. Лекин, албатта хоҳласалар! Агар бирор ишни олдиндан хоҳламай турсалар, дарҳол унинг баҳридан кечадилар. Шунинг учун ўқитувчилар Маймун мучалида туғилланинг энг «мағфий» ишларни бемалол буюришлари мумкин. Фақат уларни назорат қилишини унунтаслик зарур.

Агар мактабда биронта фани чукурроғи эгаллаб борсалар, келажакда машҳур одам бўлиб етишишлари мумкин. «Маймун»ни фақат яхши ўйлардан чалғитаслик даркор.

Мехнат, жисмоний тарбия, расм дарсларида яхши муваффақиятларга эришишади. Чунки уларда ижодкорлик қобилияти бор.

Фақат яна бир нарсани ўқитувчилар эзтибори учун айтиб ўтиш керакки, Маймун мучалида туғилланинг агар ҳафсалалари келмаса умуман дарсда тинч ўтирмасликлари мумкин. Бу ҳам — истеъод!

Н. АЛИМОВ тайёрлади.



Тинчгина, ташвиш-ғалвалар сиз кечеётган турмушимизни чок-чокидан сўкиб ташлаган бозор иқтисодиёти кун сайн, соат сайн янгиликлар, ўзгаришлар олиб келмоқда. Биз улардан шошиб ҳам қолдик. Мана, яна бир янгилик: 1992 йилнинг 10 январь кунидан бошлаб жумҳуриятимизда ҳисоб-китобнинг купон системаси жорий этилади.

Бу ҳолни Ўзбекистон Республикаси иқтисод қўмитаси раисининг ўринbosari, иқтисод фанлари доктори П. НОСИРОВ куйидагича изоҳлади:

— Узбекистон ҳукumatининг купонларни жорий этишдан асосий мақсади жумҳурият истеъмол бозорини ҳимоя қилишdir. Дастраски босқичда купонлар харид қилиш учун ўзига хос ҳуқуқ берувчи қимматбаҳо қофоз сифатидаги амал қиласди. Жумҳурият фуқаролари молларни харид қилиш чоғида амалдаги пул билан бир вақтда купонларни ҳам тўлайдилар.

## КУПОН ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Бу сўзларни ўқиб, шутадбурсиз ҳам болалар истеъмол қиласди озиқ-овқатларни харид қилишга қийналайтган отоналар оғир «уҳ» тортишлари табиий. Жумҳуриятимиздаги оиласларнинг аксарияти кўп болали. Шу сабаб ҳам ўтган йилнинг бошидан кўп болали, кам даромадли оиласларга, шу билан бирга ўқувчилар ва талабаларга жумҳурият ҳукумати имтиёз берувчи бир қанча қарорлар қабул қилган эди. Купонлар жорий этиш ҳақидаги қарорда ҳам аҳолининг ана шу табакасига алоҳида бир қанча имтиёзлар берилган. Жумладан: болалар озиқ-овқатига муҳтоҷ 2 ёшгача бўлган болаларни таъминлашни яхшилаш учун 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бу товарлар врач рецепти бўйича бериш жорий қилинади. Жумҳурият Соғлиқни Сақлаш вазирлиги кам таъминланган ва кўп болали оиласларнинг болаларига текин болалар овқати бериш учун маҳсус бланкаларда бериладиган рецептлар, болалар овқатига муҳтоҷ бўлган қолган болаларга эса оддий бланкаларда рецептлар берилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, «Ўзбекбирлашув» аҳолига болалар овқати сотишни врач рецепти бўйича ташкил этади.

Жумҳуриятимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун жорий этилган бўтадбирда ҳам серфарзанд оиласлар, умуман болалар қийналмайди, деган умиддамиз. Бу қарорларнинг амалга ошишида бирон тўсиққа учраган болалар, уларнинг ота-оналари рўзномага мурожаат этишлари мумкин.

Учинчи чорак бошланди. Янги матика ўқитувчиси Зилола Қулматова 9-йил таътили мұносабати билан бир ва 8-сinf ўқувчилари Ибрөҳим Нурбоев ва Фарҳод Эшматовларга мисол ечишда йўл қўйган хатоларни тушунтириб бермоқда.

СУРАТДА: Гулистан шаҳридаги Ҳ. Олимжон номли мактабнинг математика ўқитувчisi Зилола Қулматова.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

## ИБРАТЛИ ИШЛАР МАНЗИЛГОҲЛАРИ

Ўтган йилнинг октябрь ойida (якшанба) Москва шаҳрида 28-маҳсус макtab очилди. Марказнинг ҳар томонидан ўқувчилар ёғилиб келишди — ҳаммаси отоналари билан, жажжи қўлчаларида аллақандай китобчалар... залда украин байроғи осиғлиқ. Директор хонаси ўқитувчилар билан гавжум. Бу қандай макtab бўлдийкин?

— Бизнинг макtab — биринчи ва ягонаиди, — дейди директор Офелия Аракелян. — Бизнинг макtabda турли миллат вақиилларидан жуда кўп ўқувчилар ўқимоқда. Масалан, арман, латин, немис, хитой, корейс, дагистон, украин ва бошқалар.

Бундан бир неча йил олдин Москвада Иттифоқда биринchi ўз она тилини ўқитиши қулиёти очилган эди. Бу эркин эди. Худди

мана шу янгиликни эса биз бирлаштиридик. Тўғрида, турли тармоқдан бир яхлитлик яхши эмасми? Бизда ҳали дарсхonalар йўқ. Ҳар якшанба 28-маҳсус мактабда шуғулланамиз. Бепул. Олдимизга иккни мақсад қўйганимиз, бирни ўқувчи хоҳлаган тилини, унинг маданиятини, тарихини ўрганиши мумкин. Иккинчиси эса ўзга миллиатни ҳурмат қилиш. Бунга ўша миллиат тили ва санъатини ўргатиш орқали эришамиз.

Бизнинг макtab миллиатлар мишиятюрасига ўхшайди; унда турли миллат йигилган, яшайди ва бир-бирига ёрдам қўлини чўзади. Машғулотлар сўнгигида кўнғироқ чадинмайди, қаҷон бошлаб, қаҷон тутгаллашни ёзлари биладилар. Ён қизиги, буларнинг барчаси бепул.

«Неделя» 41-сон.

## КЕНИЯ

Ёшлар ўртасида кучайиб бораётган гиёвандликка қарши велопойга билан курашмоқчи бўлган 12 нафар кениялари ўқувчи яқинда Найроби-Мамбас маршрути бўйича сафарга чиқишиди. 50 километрлик велопойга давомида улар кишилар ўртасида соғлом турмуш, тарзини тарғиб қилиш билан бирга гиёвандлик оқибатларини ўсмирларга тушунтиришади ва бу иллатга рўжу қўйган болаларни даволаш учун маблағ ҳам йиғишиди.

Болаларни асараш жамиятининг маълумотларига кўра, Кениядаги ҳар ўнинчи ўқувчи наркотик моддалар истеъмол қиласди. Мактабда ўқимайдиган ўсмирлар ўртасида гиёванд болалар сони яна ҳам кўп. Қиз болалар «яшил оғу»ни 11-14 ёшликларида, ўғил болалар эса 8 ёшликларида татиб кўришади. Ўсмирлар гиёвандлиги қишлоқларга нисбатан шаҳарларда кўпроқ авж олган.

## ЖАНОУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Наталь провинциясида истиқомат қилувчи оқ ва қора танли шарқий африкалик аёллар ҳар йилги болаларга кўрсатган ғамхўрлик учун бериладиган мукофотга сазовор бўлишиди.

«Санди Таймс» ҳафтаномасининг хабар бершича, Булвер шаҳрилик Истер Элм пенсияга чиққач, қолган умрани болаларга бағишлади. Собиқ тиббий ҳамшира ақлан заиф ва шол касаллиги билан оғриган қишлоқ болаларини даволаш марказини ташкил этди. Ҳамшира қабулида ҳозиргacha юздан зиёд болалар бўлишиди.

Дурбан яқинидаги Инанда қишлоғида ўшовчи Синтия Мигади ҳақида гапиришса, уни доим кулиб туришини эсга олишади. Синтия болалар уйи ташкил этган. Ҳаммаси бу аёлга вақтингча бир болани ташлаб кетишганидан бошланди. Вақтингча қараб туришини илтимос қилган ота-она уни кейинчалик умуман олиб кетишмади. Кейинроқ Синтияниң ўз ўғли оламдан ўтди — невараси ёлғиз қолди. Шу асосдан ташкил этилган болалар уйида отонасидан ажраган болалар вояга этишади.

## ХИТОИ

Пекин шаҳар маориф комитети Янги йил ва бадор байрами арафасида ўқитувчиларнинг болалар ва уларнинг ота-оналаридан совфа олишларини яна бир бор таъкилашди.

Чунки ушбу байрамлардан кейин юкори ташкилотларга тарбиячиларнинг ўз ўқувчиларидан қимматбаҳо совфа талаб қилишгани ҳақида арзномалар тушиши одатий ҳол бўлиб қолган. Рўзномада айтилишича, бу «соҳа»да болалар боғчалари ходимлари, айниқса, «илғор» эканлар.

«Бэйцзин ванъбао» рўзномасининг хабар бершича, энди совфа сифатидаги фақат болалар ўз қўллари билан ясаган нарсалар қабул қилиниши мумкин.

## СИТА хабарлари.



Ўқувчилар яхши баҳо олишса, билим олишга қизиқиша, ўқитувчи хурсанд бўлар экан. Мен ҳам Лолаҳон Исҳоқова билан Иродахон Исмоиловнинг ана шундай билимга чанқоқлигидан хурсанд бўламан. Улар 6-«Б» синфда ўқишиди. Иккни ҳам иккинчи чоракни аъло баҳоларга якунлашди. Математика, она тили ва адабиёти ўн кунлигига фаол иштирок этишдий.

Чорак якунида мактабимизда «Энг аълочи ўқувчи» танлови ўтказилди. Ирода ушбу танловға бўлиби бўлди. Чунки у бир кунги дарс жадвали бўйича олтита фандан «5» баҳо олган эди.

Лолаҳон эса она тили ва адабиёти ўн кунлигинида ўюштирилган «Ифодали ўқиши» танлови голиби бўлди. У А. Навоийнинг «Хотам Тойи ҳикояти»ни ёддан ифодали ўқиб, барчани мамнун этди.

Иккни синфдош макtab тадбирларида ҳам фаол иштирок этишади. Улар 1-синф ўқувчиларининг «Алифбе байрами»ни тайёрлаш ва ўтказишда ҳам ўқитувчиларга катта ёрдам беришиди.

Лолаҳон билан Иродахон учинчи чоракда ҳам аълоға ўқиб, ҳаммамизнинг ишончимизни оқлашларига ишонаман.

Ф. АРАПОВА,

Олтинкўл туманидаги 52-макtab ўқитувчиси.

Хурматли дўстимиз Умиджон!

Биз сени туғилган кунинг — 11 баҳоринг билан самимий қутлаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқишиларингда улкан муввафқиятлар ти лаймиз.

Сени қутлаб: синдошларинг.

Тошкент вилояти,  
Бекобод туманинаги  
13-мактабнинг 5-«Б»  
синф ўқувчилари.



# Дабриклиш!

## БАХТИЗЛИК

### ЖАҲОН АДАВИЕТИ ҲАЗИНАСИДАН

У яна биринчи бетни очди ва ўзи қачонлардир шу бетга ёзиб қўйганини ўқиди: мана унинг ўзи, исм-шарифи, у яшатган жоҳ.

Стівен Дедалус  
Тайерлоп синфи  
Клонгоус Вуд Коллеж  
Сэллинз  
Кильдер графлиги  
Ирландия  
Оврупо  
Ер  
Коинот

Бу унинг кўли билан ёзилган, Флеминг эса бир куни кечпайт ҳазиллашиб шу бетнинг орқасига шундай деб ёзи:

Стівен Дедалус — исмим менинг,  
Ирландия — менинг ватаним,  
Клонгоус — бошланам менинг

Осмон менинг умидим.

У шеърни тескари томондан ўқиди, бу ҳолда шеърга ўхшамади. Шундан кейин у биринчи бетдаги ёзувни қўйидан юкорига қараб ўқиб чиди ва ўзининг исмига борди. Мана унинг ўзи. Кейин у тағин ҳаммасини юкоридан кўйига қараб ўқиб кетди. Коинотдан кейин нима? Ҳеч нарса. Бироқ коинот теварагида унинг қаерда тугашини ва баҳу ҳеч нарса қай нуктадан бошланишини белгилайдиган нимадир бўлса керак? У қалин девор билан тўсиљмагандир, бироқ теварагини юпқа гардиш ўраб олган бўлиши мумкин. Бор бутунча ўраб олиши — ғалати-куй! Елғиз худо бунга қодир. Бу беҳудуд маҳобатли ақл-идроқни у тасаввур қилишга уринди, бироқ ҳаёлига ёлғиз худогина келди. Худо — худонинг исми бу, худи унинг исми Стівен бўлганидай. Диев — худонинг фарангча номи шундай. Бироқ худога сифи наркан Диев деб мурожаат қиласди, шунда худо ўзига синиётган бўнга байда фаранг эканини дарҳол пайқайди. Ху-

[Бошланиши «Ленин учқунин рўзиомасининг 1991 йилги сонларида].

донинг исми турли тилларда турлича бўлса-да худо ҳаммасини тушунади, одамлар гапиравтаганини, ўз тилларида тиловат килишаётганини билади, ҳар қандай ҳолда ҳам худо худолигана қолади ва унинг ҳақиқий исми худо.

Бундай ўй-хәёллардан унинг мисси роса толиқди. Боси ҳумдай шишиб, каттариб кетгандай туюлди. У китобни ва-

сиёсат нималигини яхши тушишни билмайди. У ўзини кичик ва нимжон сезади. Қачон у поэзия ва риторика<sup>2</sup> синфи даги болалардай бўларкан. Уларнинг овози катта одамларнидай, ботинкалари ҳам катта, уларга тригонометрия ўтилади. Бунгача ҳали узоқ Аввал таътилга чиқилди, ундан сўнг навбатдаги семестр

Жеймс Жойс



Үрисчадан А. ОТАБОЕВ таржимаси.

#### РўМОНДАН ПАРЧА

рақлади ва ўйқули кўзлари билан жигарранг булулар орасидаги думалоқ яшил ерга тикилди. Қай бири маъқул — яшил ранги ёқлаш керакми ёки жигаррангими, деб ўйлай бошлади у, чунки бир куни Дэнти қайин билан чўтканинг дастасидаги Парнелл шарафига қўпланган яшил бархитни сўқиб ташлади, Парнелл ярамас одам, деди унга Дэнти. Ҳозир ўйда бу ҳақда мунозара қилишаётганимикан, деб ўйлади у. Бу сиёсат дейиларди. Улар тараф-тараф бўлиб олишарди: Дэнти бир тараф, отаси ва мистер Кейси эса бир тараф, бироқ онаси билан Чарлз тараф-тараф тарафни ёқлашмасди. Рўзномалар ҳар куни шу сиёсат ҳақида ёзарди.

Унга алам қиласди, ахир, у

бошланади, кейин яна таътил, сўнг яна таътил. Бу худди поезднинг туннелга кириши ва туннелдан чиқишидай, тағин, ошхонада кулоғингни бекитиб кейин очганинга эшистилиб, жимиби коладиган шовқинга ҳам ўхшайди. Семестр — таътил; туннел — ташқари; шовқин — жимлик; эзе, ҳали жуда узоқ! Тезроқ тўшакка кирсангда ухлаб қолсанг. Черковда ибодат қилинса бўлди, кейин ўйку. Уни безгак тутди. У эснади. Чойшаб бироз исигандан кейин тўшакда ётиш мазза-да. Тўшакка кирган пайтда муздай бўлади. Буни ҳаёлига келтирганида бадани қалтираб кетди. Кейин жойинг исиди, шундан сўнг ўйку элтади. Чарчокни хис этишинг гашти бор. У яна эснади. Кечки ибодат тугадими — тамом, шўнгийсан; у

Тенгдошингиз Низом НОРҚОБИЛОВНИНГ шетларини эътибор билан ўқисангиз қандайдир бир янгилик топасиз. Бироқ уни топиш осон кўчмайди. Бунга унинг «Бахтсизлиг» и мисол бўлади. Бу шеърда Низом юртда кечган навқонлик оғати, ёшлини фожиасини хаёл кўрида, тафаккур бўёқларига ботириб қизмоқда уринади. «Аламзода кун, қақ-

шаган далаларда қуёшини юриди, ҳоргин, маъюс нигоҳни пахтазор ўғирлаши» шу истак тўла амалга ошмаган. Лекин шу манзаранинг ўзи Низомда шеър йўлида ўзича интилиш бўлаётганидан дарак бериб, бу интилиш ҳали гўзал ҳайратлар туҳфа этишига умид ўйғотади.

\* \* \*

Рауф ПАРФИГА,  
Юрагингни суйиб,  
кўзингни чўқиб,  
Тегмай туролмайди бу кекса аср.  
Табиатдан «рангларни» сўраб,  
Шовуллаб тўқилар ярқироқ шеърлар.  
Бутун бир нағис гўзалликни жамлаб,  
Шеърият муаллақ ранг-барагт қаср.  
...Сен шу гўзалликнинг катта бўлаги?!  
Ойдин ҳаёлларга занжирбанд, асир.  
Низом НОРҚОБИЛОВ,  
Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманинаги 19-мактаб ўқувчиси.

улар Сэллини четидаги йўлдан ўтиб кетишаётгандида у қия очик эшик ёнида бола кўтариб турган аёлни кўрган эди. Бу уччада бир оқшом тунашнинг, тутуб ётган ўчоқ олдида чўзилиб, лангиллаб турган чўғнинг алангасига термилиб, гиравшира коронглиларда дехқонларнинг — ёмғир, торф ва дағал матоларнинг ҳидидан тўйиб тўйиб нағас олишининг гашти бор. Бироқ қалин ўрмон ичиндан ўтган йўл қўрқинчили, зимзие! Қоронгуда адашиб қолсанг ҳолинггавой! Ҳаёлига шу ўй келган ҳамон уни вахима босди. Қулоғига руҳонийнинг товуши челинди, руҳоний тиловатнинг сўнги сўзларини ўқир эди. У ҳам чўқина бошлади, ҳаёлида эса ҳамон зимиё ўрмон,

«Худоё, мурувватингни дарига тутма ва бизни йўлдан озидиргувчи шайтон васвасасидан ўзинг омон сақла ва сенинг муқаддас фаришталаринг доим бизни асраб-авайллагай ва Парвардигоримиз Исоҳи масих фароғати бизга насиб этгай. Омин».

Етоқхонага келиб ечинаётгандида унинг бармоқлари титради. У бармоқларни тез-тез ҳаракат қилдиришга уринди. Газни ўчиришунча у ечиниб, тиз чўкиб ибодат қилиши, кейин тўшакка кириши лозим эди. У оёқларидан пайпокларини сүғуриб олди, шоша-пиша тунги узун кўйлагини кийдида қалтираб каравот ёнига тиз чўкиб, газ ўчиб қолишидан хавотирда наридан-бери дуо ўқий бошлади. У пириллаганда елкалари силканиб қўярди:

1. Парнеллнинг оилали аёл Китти О, Ши билан алоқаси туфайли келиб чиқсан жанжал назарда тутилаётир; бу жанжал Парнелл тараффорларни ўтасида нифоқ чиқишига сабаб бўлган ва шу баҳонада Ирландия католик черкови Парнеллни кувғинга дучор этган.

2. Юқори синфлар.

[Давоми бор].

Бош мұҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати: В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ [бош мұҳаррир ўринбосары], А. КЎЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. АСҚАРХЎЈАЕВ.



Тасис этиучи:  
УЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМІТАСИ.

Бизнис мажизагоджими: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,  
ЛЕННИНГРАД КУЧASI, 33-УЯ.

Маълумат учун телефон: 32-54-31

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЕТ-  
МАТБАЧИЛИК КОНЦЕРНИННИГ БОСМАХОНАСИ.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кучаси, 32-УЯ.

Чоң этиш вакти — 15.00.

БЮОРТМА № 30.  
НАШР КУРСАТКИЧИ — 64363.

Рўзнома Ҳафтанинг Чоршанба ва шанба кунлари чиқади.  
Рўзнома 347 минг нусхада чоп этилди.

123456789101112